




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2018 йил IV чорак



Тошкент 2019 й.

## МУНДАРИЖА

<b>ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>3</b>
<b>СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
I. Сўров иштирокчилари таркиби .....	11
II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари .....	12
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари .....	15
IV. Инфляцион кутилмалар .....	17
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари .....	20
VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари .....	22
VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати .....	23
VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар .....	25

## ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларни аниқлаш бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра 2018 йилнинг IV чорагида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида қисқа (1 ой) ҳамда ўрта (1 йил) муддат давомида нархлар барқарорлиги бўйича аввалги чоракларга нисбатан эҳтиёткорона ёндашув кузатилди. Бу ҳолат инфляциянинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ва кутилаётган даражалари динамикасида ўз аксини топди.

Шунингдек, мазкур чоракда сезилган инфляция даражасида ўсиш кузатилган бўлсада, декабрь ойи натижалари йил бошидаги кўрсаткичларга нисбатан паст бўлди.

Ноябрь ойида жисмоний ва юридик шахслар қисқа муддатли инфляцион кутилмаларининг йил давомидаги энг юқори даражаси қайд этилиб, IV чорак охирида (декабрь ойида) унинг пасайиши кузатилди. Ўрта муддатли кутилмалардаги ўзгаришлар эса мўътадил бўлиб нисбатан юқори даражада сақланиб қолди.

Мазкур даврда инфляцион кутилмалар коммунал тўловлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ва иш ҳақи ошиши ҳамда миллий валюта қадрсизланиши шароитида шаклланди. Шу билан бирга, чорак охирида инфляцион кутилмалар динамикасида оптимимстик тенденция шакллана бошлаганлиги кузатилди.

Қайд этиш жоизки, солик тизимидағи ўзгаришларнинг лозим даражада тадбиқ этилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг келгусидаги кутилмалари шаклланишига муҳим таъсир кўрсатади.

### **Сезилган инфляция даражаси**


Умуман, 2018 йилнинг IV чорагида сезилган инфляция индексида ўсиш кузатилди. Хусусан, аҳоли томонидан сезилган инфляция индекси<sup>1</sup> декабрь ойида сентябрга нисбатан 25 бандга (ёки 4 фоизга) кўтарилиб, 605 бандни ташкил этди. Шунингдек декабрь ойи натижалари йил бошидаги кўрсаткичларга нисбатан паст даражада бўлди (1-а-расм).

<sup>1</sup> Сезилган инфляция индекси – сезилган инфляция даражасини аниқлаш бўйича берилган саволга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.

IV чорак давомида юридик шахслар томонидан сезилган инфляция даражаси ҳам ошган бўлсада, жисмоний шахсларнидан паст даражада бўлди. Хусусан, сезилган инфляция индекси сентябрга нисбатан 40 бандга ўсиб (ёки 8 фоизга) декабрда 548 бандга тенг бўлди (1-б-расм).

1-расм

### 2018 йил давомида сезилган инфляция индекси динамикаси



Ушбу даврда сезилган инфляция бўйича саволга респондентлар томонидан белгиланган жавобларда нархлар “юқори даражада ўсди” ва “аввалги даражада ошди” варианtlари улуши ўтган чорак натижаларига нисбатан каттароқ бўлди, нархлар “ўзгармади” варианти улуши эса қисқарди (5 ва 9-расмлар).

IV чорақда асосий истеъмол товарларидан нон, гуруч, помидор, бодринг, буғдой уни ва мол гўшти қимматлашиши аҳоли учун юқори таъсирчан аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек декабрь оидаги натижалар коммунал тўловлари, йўл хақи ва бензин нархлари ошганини қайд этган респондентлар улуши кескин ортганини кўрсатди (11-расм).

Умуман 2018 йил давомида “охирги ойда нархи юқори даражада ошган маҳсулот” бўйича саволга сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг аксарияти мол гўшти (66 фоизи), гуруч (55 фоизи), қўй гўшти (50 фоизи), помидор ва бодринг (44 фоизи) маҳсулотларини қайд этган.

Респондентлар фикрига қўра, IV чорақда нархлар ошишига асосан алмашув курси ўзгариши, табиий газ ва электр энергияси тарифлари нархи ҳамда иш хақи ошиши сабаб бўлган (12-расм).


## Инфляцион кутилмалар

2018 йилнинг октябрь-декабрь ойларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмалари динамикасида ўзгарувчан тренд кузатилди. Жумладан, октябрь-ноябрь ойларида қисқа (1 ой) ва ўрта (1 йил) муддатли кутилмалар июлдан бошланган ўсишини давом эттириб, декабрда эса сезиларли даражада пасайди. Қайд этиш лозимки, қисқа муддатли кутилмалардаги ўзгаришлар кескин намоён бўлди.

Хусусан, октябрь-ноябрь давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг қисқа муддатли инфляцион кутилмалар индекси<sup>2</sup> мос равишда 18 фоиз ва 20 фоизга ўсган бўлса, декабрда ушбу кўрсаткичларда кескин пасайиш кузатилди: аҳоли кутилмалари 21 фоизга ва тадбиркорлик субъектлари кутилмалари 20 фоизга пасайиб, йил охирига мос равишда 533 ва 524 бандни ташкил этди (2-расм).

2-расм

### Қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индекси динамикаси



<sup>2</sup> Инфляцион кутилмалар индекси – келгусида кутилаётган инфляция даражасини аниқлаш бўйича берилган саволларга респондентлар томонидан белгиланган барча жавобларнинг баланслаштириш усули орқали умумлаштирилган кўрсаткичи. Индекс диапазони 0 дан 1000 гача.

Декабрдаги индекс кўрсаткичи пасайиши нархлар ўзгармаслигига ишонч билдирган респондентлар улуши ортиши ҳамда нархлар ўсиши аввалги даражадан юқори бўлишини кутаётганларнинг улуши қисқариши эвазига шаклланди (14 ва 16-расмлар).

Декабрь ойида қисқа муддатли кутилмаларнинг кескин пасайишига сабаб бўлган омиллардан бири аҳоли ва бизнес вакилларининг янги йилдан кейинги даврда ички бозорда савдо фаоллигининг сустлашиши борасидаги тахминлари бўлди.


Қайд этиш лозимки, декабрь ойи сўрови ўтказилган даврда янги солик режими параметрлари тасдиқланмаган ва кенг жамоатчилик бу ўзгаришлар бўйича аниқ тушунчага эга эмас эди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўрта муддатли (келгуси 12 ойга) инфляцион кутилмалари тренди қисқа муддатли кутилмалар трендига мос бўлиб, нисбатан мўътадил қўринишда бўлди.

Жумладан, аҳолининг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари индекси ноябрда 726 бандгача кўтарилиди ва декабрда бироз камайиб, 699 бандни ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари ноябрда энг юқори даражасини (746 банд) қайд этиб, декабрда сентябрь ойи даражасигача пасайди (692 банд) (3-расм).

3-расм

#### Келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари индекси динамикаси



Умуман IV чорак давомида аҳоли ва юридик шахсларнинг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари индекслари нисбатан юқори даражада бўлди.

Келгуси 12 ойда нархлар ўзгаришига оид жавобларда респондентларнинг аксарият қисми нархларнинг “олдинги 12 ой даражасида” ва “ундан юқори” ўсишини кутмоқда. Жумладан, сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг 67 фоизи ва юридик шахсларнинг 66 фоизи ушбу фикрга асосланган, бу эса сентябрь ойига нисбатан мос равишда 9 ва 5 фоиз бандга юқорироқ.

Аҳоли орасида нархларнинг “сезиларсиз ошишини” кутаётганлар улуши 3 фоиз бандга ва тадбиркорлар орасида - 7 фоиз бандга камайиб, жами респондентлар сонидан мос равишда 19 ва 26 фоизни ташкил этди (15 ва 17-расмлар).

IV чоракда аҳолининг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари бизнес субъектларининг кутилмаларидан юқори даражада сақланиб қолди.

Хусусан, мазкур даврда “келгуси 12 ойда нархлар қанчага ошади” саволига “21 фоиздан юқори даражада” ошади деб жавоб берган жисмоний шахслар улуши 8 фоиз бандга кўтарилиб 40 фоизни ташкил этган бўлса, “13 фоиздан юқори бўлмаган” нархлар ўсишини кутаётганларнинг улуши 9 фоиз бандга қисқариб 33 фоизни ташкил қилди. Юридик шахслар орасида нархларнинг “14 фоиздан 20 фоизгача” ўсишини кутаётганлар улуши сезиларли ошиб, декабрда 36 фоизни ташкил этди (18-расм).

Респондентлар нархлар ошиши билан боғлиқ кутилмалари ортиб боришига иш хақи, коммунал ва солиқ тўловларнинг ошиши ҳамда сўмнинг келгусида қадрсизланишини асосий сабаб сифатида кўрсатиб ўтганлар. Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган солиқ ислоҳоти инфляцион кутилмалар ошишининг қўшимча омили бўлиши мумкин.

### ***Иқтисодиётдаги кутилмалар***

Аҳолининг харид қобилиятини баҳолаш натижаларига кўра 2018 йилнинг IV чорагида аҳолининг даромадлари ошганини кўрсатмоқда. Охирги 12 ой давомида даромадлари ошганини қайд этган респондентлар улуши олдинги чоракка нисбатан 7 фоиз бандга кўтарилиб 70 фоизни ташкил қилди, бунинг аксини қайд этган

респондентлар улуши эса 9 фоиз бандга камайиб 24 фоизни ташкил қилган (19-а-расм).

Бунда, “даромадлари инфляция даражасида” ва “ундан юқори ошганини” белгилаганлар улуши 6 фоиз бандга ошиб 31 фоизни ташкил этган бўлса, “даромадлари инфляция даражасидан паст миқдорда ошганини” кўрсатган респондентлар улуши 1 фоиз бандга кўтарилиб 37 фоизни ташкил этган (19-б-расм).

Даромадларнинг келгусидаги ўзгаришига оид кутилмаларда ҳам оптимистик кайфият кузатилди. Келгуси 12 ойда даромадлари ошишини кутаётган респондентлар улуши олдинги чоракка нисбатан 5 фоиз бандга ошиб, 73 фоизни ташкил этган бўлса, бунинг аксини қайд этганлар улуши 16 фоизгача тушган. Бироқ, даромадлари ошишини кутаётган респондентларнинг аксарият қисми нархлар ўсиши уларнинг даромадлари ўсишидан кўпроқ бўлишини кутаётганини қайд этган (20-расм).

Шу билан бир қаторда, юридик шахсларнинг келгусидаги ойлик маошлар ўсишига оид кутилмалари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, сўровномада иштирок этган бизнес-субъектларнинг 62 фоизи ойлик маошларнинг 10 фоиздан 20 фоизгача ошишини кутаётган бўлса (сентябрда 52%), ойлик маошларни ҳозирги даражада сақлаб туришни кутаётгандарнинг улуши 2 фоизгача қисқарган (сентябрда 7 фоиз) (27-расм).

Шу билан бирга, даромадларнинг ошиши бўйича кутилмалар талаб томонидан инфляцион кутилмаларга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

2018 йилнинг IV чорагида аҳолининг жамғариш кайфиятида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Респондентларнинг катта қисми жамғармаларини тадбиркорликка ишлатишини (44 фоиз) ёки уларни қисман сарфлашини (30 фоиз) қайд этган. Шунингдек, қайд этиш жоизки, йил давомида жамғармаларини тадбиркорликка йўналтиришни афзал кўрган респондентларнинг улуши пасайиб бормоқда (21-расм).

Шу билан бирга, жамғармаларини банқда сақлашни маъқул кўрган респондентлар улуши октябрда 34 фоизгача қисқариши (сентябрга нисбатан 3 фоиз бандга), нақд кўринишда сақлашни афзал кўрувчи респондентлар улуши эса 44 фоизгача ошиши (сентябрга

нисбатан 7 фоиз бандга) кузатилган бўлса, декабрь ойига келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 38 фоиз ва 39 фоизни ташкил қилди.

IV чорак давомида, сентябрь натижалари билан таққослаганда, АҚШ долларининг жамғарма воситаси сифатида жозибадорлиги ошиди. Хусусан, жамғармаларни сўмда сақлашни маъқул кўрган жисмоний шахслар улуши 4 фоиз бандга қисқариб 40 фоизни ташкил этган бўлса, АҚШ долларида сақлашни маъқул кўрганлар улуши 7 фоиз бандга кўтарилиб 37 фоизга тенг бўлди (22-расм).

Таъкидлаш жоизки, хорижий валютани жамғариш воситаси сифатида жозибадорлиги сўм курсининг қадрсизланиши билан ошиб борди. Бу эса аҳолининг, аввалги йиллар мобайнида шаклланиб келган, курс ўзгаришига бўлган юқори сезувчанлиги сақланиб қолганини акс эттиради. Айни пайтда 2018 йилда умумий пул массаси таркибида хорижий валютадаги қўйилмалар улуши камайганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу бир-бирига мазмунан тескари кўрсаткичлар аҳоли орасида миллий валютанинг жамғариш воситаси сифатида жозибадорлигини ошириш учун, ички ва ташқи шароитлардан қатъий назар, иқтисодиётда узоқ муддат давомида нархлар барқарорлигини таъминлаш зарурлигини англатади.

Охирги ойларда сўмнинг қадрсизланиши, сўровда иштирок этган жисмоний ва юридик шахсларнинг келгусидаги алмашув курсига бўйича кутилмаларида ҳам ўз аксини топди. Ноябрда АҚШ доллари алмашув курси бўйича 2019 йил март ойи охирига бўлган аҳоли кутилмалари 8705 сўм ва тадбиркорларда - 8649 сўмни ташкил этди. Декабрь ойига келиб улар сезиларли даражада пасайди ва 8522 сўм даражасида деярли тенглашди (28-расм).

Шунингдек, сўровда аҳолининг кредитга бўлган муносабати ўрганилди. Сўровда иштирок этган респондентларнинг 64 фоизида жорий кредитлар мавжудлиги аниқланди. Респондентларнинг кредит турларига бўлган эҳтиёжлари таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади. Энг оммабоп кредит турларидан истеъмол кредити (респондентларнинг 24 фоизида), ипотека (13 фоизида) ва автокредит (12 фоизида) бўлди (23-расм).

2018 йилнинг IV чорагида респондентларнинг келгуси 12 ойда банк кредит фоиз ставкалари ўсиши бўйича кутилмалари сезиларли даражада ошиди. Жумладан, респондентларнинг 49 фоизи банк кредит

ставкаларини “25 фоиздан юқори” бўлишини кутаётган бир пайтда, уларни “16 фоиздан паст” бўлишини кутаётганлар улуши 12 фоизни ташкил этди (24-расм).

Кредит ставкалари бўйича кутилмаларнинг ёмонлашишига қарамасдан, респондентларнинг кредитга бўлган эҳтиёжи юқорилигини кўрсатди. Жумладан, IV чоракда сўровда иштирок этган жисмоний шахсларнинг 35 фоизи кредитга эҳтиёжи йўқлигини, 61 фоизи эса келгуси 12 ойда кредит олишни мўлжаллаётганини қайд этиб ўтган (25-расм).

Бундан ташқари, “Айнан қайси кредит туридан фойдаланмоқчисиз?” деган саволга аксарият қисми автокредит (респондентларнинг 26 фоизи), ипотека кредити (21 фоизи), истеъмол кредити (18 фоизи), шунингдек оиласвий бизнес юритиш учун кредит (15 фоизи) жавобларини белгилаган.

## СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ


<b>Усул</b>	Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
<b>Жами иштирокчилар (ҳар ой)</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 750 нафар жисмоний шахслар ва 300 та юридик шахслар
<b>Даврийлиги</b>	Ойма-ой
<b>Сўров ўтказилган муддат</b>	2018 йил январь - декабрь

### I. Сўров иштирокчилари таркиби


4-расм

#### Сўров респондентларининг фаолият соҳаси (фоизда)

##### а) жисмоний шахслар



##### б) юридик шахслар





## II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

5-расм

**Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



6-расм

**Сизнингча охирги 3 ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



## 7-расм

**Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?**


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



## 8-расм

**Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

9-расм

**Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



10-расм

**Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




### III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

#### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

11-расм

**Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охирги ойда юқори даражада ошиди?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



12-расм

## **Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга



## **Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**

13-расм

### **Сизнинг кузатишларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар охирги ойда юқори даражада ошиди (ўзгарди)?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга




## IV. Инфляцион кутилмалар

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

**Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


**Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши**



15-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?**

**Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши**




## Юридик шахслар билан үтказилған сұров натижалари

16-расм

**Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


## **Сүрөвда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши**





17-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?**

## *Сүроөда жами иштирок этгэнлардан фоиздаги улуши*



**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?****A) Жисмоний шахслар****Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши****B) Юридик шахслар****Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши**


## V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари

19-расм

**Охирги 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгардими?**


### A) Даромадлар ўзгариши

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши





### B) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



20-расм


*Келгуси 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгарадими?***A) Даромадлар ўзгариши***Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши***B) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик***Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши*

## VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари

21-расм

**Агар Сизда жамғармангиз бўлганда уни қандай ишлатишни хохлаган бўлардингиз?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



22-расм

**Нима деб ўйлайсиз ҳозирги вақтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган маъқул?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати

23-расм

**Бугунги кунда сизда жорий банк кредити борми (тўлов муддати тугалланмаган)? Агар бўлса, қайси турдаги кредит (кредитлар)?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



24-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



25-расм

**Келгуси 12 ойда сиз ёки оила аъзоларингиз кредит ҳисобидан буюмлар харид қилишни ёки банк кредити олиши мўлжаллаяпсизми?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



26-расм

**Келгуси бир йил давомида айнан қайси кредит (кредитлар) туридан (турларидан) фойдаланмоқчисиз?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

27-расм

Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?


Сўровда жами иштирок этғанлардан фоиздаги улуши



28-расм

Сизнинг фикрингизча 2019 йил март ойида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?

Белгиланган жавобларнинг ўртacha тортилган қиймати (сўмда)



© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2019

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланган.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуидаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: [bhamraev@cbu.uz](mailto:bhamraev@cbu.uz)

Тел.: (+998) 71 212-60-22